

**Тошкент молия институти Магистратура бўлими БХА-1 гуруҳ
магистранти Тошпулатов Даврон Акромович томонидан бажарилган
“Тижорат банклари кредит фаолияти аудити” мавзусидаги магистрлик
диссертациясига
АННОТАЦИЯ**

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Дунёнинг барча мамлакатларида аҳолининг йирик қисми, давлат ва давлат ташкилотлари, корпоратив мижозлар ва бошқа барча ташкилотлар тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланадилар. Иқтисодий тамойил ва меъёрий қонунчиликка амал қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган банк тизими иқтисодиётнинг ривожланишини ва миллий валютанинг барқарорлашувини таъминлайди. Албатта, банк бошқаруви самарадорлиги ва иқтисодий тамойилларга амал қилиши қанча юқори бўлса, у шунчалик кўп фойда кўради ва натижада барқарор молиявий институтга айланади. Шунинг учун бошқарув самарадорлигини ошириш ҳар қандай ижтимоий ривожланиш даражасида ҳар бир давлатда муҳим вазифа ҳисобланади. Молиявий институт сифатида банк фаолияти ликвидлилик ҳолатини таъминлаб, рискларни камайтириб, қўйилма эгалари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини сақлаган ҳолда юқори даромад олишга қаратилган фаолиятдир. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиши босқичида банк бошқаруви самарадорлиги масаласи ўзгача маъно касб этади. Ушбу масалаларнинг аксарият қисми ечими юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказиладиган аудиторлик текшируви орқали амалга оширилади. ривожланмоқда.

Ушбу магистрлик диссертацияси юқоридаги долзарб масалаларнинг ҳал қилиниши бўйича амалий таклифлар беришга қаратилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб тижорат банклари кредит фаолияти аудитини ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун диссертация ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банкларида аудитни ташкил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари очиб бериш;
- тижорат банкларида кредит фаолияти ва унинг босқичларини ўрганиш;
- миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг кредит фаолиятига баҳо бериш;
- республикамиз тижорат банкларининг кредит фаолиятида мавжуд бўлган асосий тенденцияларни аниқлаш;

- тижорат банклари кредит сиёсати аудитини таҳлил қилиш;
- тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- тижорат банклари кредит фаолияти аудитини амалга ошириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари кредит фаолияти аудитининг самарадорлиги, банк фаолиятида рискларни бошқариш муаммоларини тадқиқ қилишга хорижлик олимлардан Gordon J. Alexander, Chzis J. Barltrop, William F. Shore ва рус олимлари Базарова Г.В., Валенцева Н.М., Колычев Л.И., Красавина Л.И., Лаврушин О.И., Соколинская Н. Э., Усоскин В.М., Ширинская З.Г. каби етакчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, улар фаолиятида мавжуд муаммолар, назарий асослари киритилган.

Бироқ хорижлик олимлар ва рус олимлари томонидан бу масалаларнинг у ёки бу даражада ёритилиши уларнинг маҳаллий иқтисодининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда тадқиқот қилинган. Ўзбекистонда янгидан ташкил топган банк тизимида мавжуд муаммолар, ривожланиб бораётган тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ рисклар, уларнинг хусусиятлари хорижлик олимларнинг риск муаммосини киритиш билан ҳамма вақт ҳам монанд келмайди.

Бу соҳада маҳаллий иқтисодчи олимлар Абдуллаев Ё.А., Каримов Н.Ф., Маликов Т.С., Норқобилов С.Х., Нурмуродов М.Б., Шарифхўжаев М.Ш., Қодиров А.К., Абдуллаева Ш.З., Ўлмасов А.У. ва бошқаларнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Тадқиқот предмети ва объекти. Ушбу диссертацион тадқиқотнинг предмети бўлиб, тижорат банкларининг кредит фаолияти аудити амалга ошириш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларининг кредит фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб, Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг ички аудит ва кредит фаолиятига бағишланган илмий изланишлари ҳисобланади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишда таклиф қилинган айрим таклифлар ва тавсиялар республикамиздаги айрим тижорат банклари кредит фаолиятининг аудитида қўлланилиши мумкин.